



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 26 июль, № 152 (7382)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ, МАНГУ БЎЛ ОМОН!

МИННАТДОРЛИК

Таваллуд куним муносабати билан чин дилдан табриклаб, самимий кутлов ва эзгу тилакларини йўлаган давлат ва ҳукумат раҳбарларига, хорижий сиёсат ва жамоат арбобларига, халқаро ташкилотлар раҳбарларига, ишбилармон доиралар вакилларига, юртимиздаги маҳаллалар ва меҳнат жамоаларига, турли касб эгалари бўлган барча ватандошларимизга чуқур миннатдорлик ихор этаман.

Менинг шаънимга билдирилган бу илиқ табрик ва тилакларни, аввало, кўп миллатли Ўзбекистон халқи ва давлатига юксак эҳтиром ифодаси, мамлакатимизнинг дунё миқёсида ортиб бораётган обрў-эътибори ва нуфузининг яна бир эътирофи сифатида қабул қиламан.

Фурсатдан фойдаланиб, меҳнаткаш, мард ва олижаноб халқимизга чин юракдан ўзимнинг чексиз меҳр-муҳаббатимни ва ҳурматимни билдираман.

Биз халқимиз билан биргаликда жонажон Ўзбекистонимиз равнақи ва эл-юртимиз фаровонлигига эришиш бўйича олдимизга қўйган улкан ва шарафли мақсадларга албатта етамиз, деб ишонаман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Дунё нигоҳи

«ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ҚИЗИҚИШИ ТОБОРА ОРТМОҚДА»

Чет эл оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда кечаётган жараёнларни диққат билан кузатиб, туркум мақолалар эълон қилишда давом этмоқда.

Хусусан, «Al Jazeera» телеканали (Қатар) мамлакатимизда Орол денгизи

ALJAZEERA

қуришининг оқибатларини юмшатиш ва Оролбўйи аҳолиси ҳаёти учун қўлай шарт-шароитлар яратиш борасида олиб борилаётган ишларга юқори баҳо берди. «Орол инқирози замонамизнинг энг йирик экологик ҳалокатидир. Денгиз тубидан кўтарилаётган тўзон йилга 80 миллион тоннага яқин туз ва зарарли кимёвий моддаларни Шарқий Европада Химолой тоғларига бўлган улкан ҳудудга ёётгани муаммонинг глобал тус олганидан далолат беради, — дейди шарҳловчи Степ Васен. — Минтақа иқтисодий тартиқлаш, инфратузилмавий қурилишларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар натижаси ўлароқ қаровсиз қолган ҳудудлар яна ривожланмоқда, одамлар ушбу манзилларга қайтаётган». Шунингдек, телеканал Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ шафелигида Орол денгизи ва Оролбўйи ҳудуди бўйича махсус траст фонди тузилганини алоҳида эслатиб ўтди.

Дунё бозори ҳолатини таҳлил қилувчи «Global Capital» портали (Буюк Британия)да ёзилишича,

Лондонда фаолият олиб борувчи инвесторларнинг Ўзбекистонга қизиқиши тобора ортиб бораётган.

Порталда эксперт ва таҳлилчилар фикрларига суянган ҳолда, республикамизнинг кучли томонлари сифатида унинг жуғрофий жойлашуви, кўп сонли аҳолиси ва малакали ишчи кучи кўрсатиб ўтилади. «Икки ярим йил аввал бу мамла-



кат ёпиқ иқтисодийга эга эди. Бугун эса давлат қатор туб ислохотларни амалга оширмоқда. Улар орасида, айниқса, иқтисодийнинг либераллашуви, хусусийлаштириш ва солиқ тизими янгиланишлари катта аҳамият касб этади. Ҳарбида таълим олган ва замонавий фикрловчи ёш мутахассисларнинг бошқарув тизимига жалб қилиниши эса халқаро ҳамжамият томонидан илиқ кўриб олинди», дея таъкидлайди инглиз журналистлари.

Инвестициявий жозибadorлик самараси

Мамлакат ривожини, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда инвестицияларнинг алоҳида ўрни бор. Бинобарин, у иқтисодий ҳаракатга келтириш баробарида, бозорни янги ва сифатли маҳсулотлар билан бойитиш, қўшимча иш жойларини яратишда айти мурдадир. Шу боис кейинги йилларда юртимизда хорижий сармоядорлар учун қўлай шарт-шароитлар, қўшимча имкониятлар бериш устувор вазифага айланган. Бунинг учун ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилди.

Хамкорлик



Жорий йилнинг январь — июнь ойларида юртимиздаги хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан **54,6 триллион сўмлик** маҳсулот тайёрланди.

Албатта, ҳар қандай ташаббус амалий натижаси билан муҳим. Шу маънода, бу йўналишдаги сўмлик ҳаракатлар ўз самарасини бериб, жорий йилнинг январь — июнь ойларида юртимиздаги хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан 54,6 триллион сўмлик маҳсулот тайёрланди, уларнинг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши эса 36,9 фоизни ташкил этди.

«Elektron Hisoblagich» масъулияти чекланган жамияти ҳам мана шундай халқаро хамкорлик меваси сифатида Хитой Халқ Республикаси компанияси билан биргаликда ташкил қилинган. Корхона ўн беш йиллик фаолияти давомида мам-

лакатимиз электр тизими корхоналарига, истеъмолчиларга миллионлаб замонавий электр ҳисоблагичларни узлуксиз етказди. Хусусан, икки турдаги бир фазали ва шунча турдаги уч фазали ҳисоблагичлар аниқлик ва ишончлик бора-бора буюртмачиларнинг ижобий баҳосини олган.

Қайд этиш жоизки, корхона фаолиятида Президентимизнинг 2018 йил 23 октябрдаги «Электр энергетикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори катта роль ўйнади. Чунки мазкур ҳужжатда иқтисодийнинг барча тармоғини жадал ривожлантириш,

инвестициявий жозибadorликни ошириш, ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтириш билан бир қаторда, электр энергиясини ҳисоблаш, назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини такомиллаштириш бўйича ҳам бир қатор вазифалар белгилаб берилди. Бу ушбу ишлаб чиқариш субъекти маҳсулотларига талаб янада ортади, деганидир.

Шундан келиб чиқиб, кўни кеча пойтахтимизнинг Яшнобод туманида корхонанинг янги ишлаб чиқариш қуввати фойдаланишга топширилди.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Амалдаги Қонунга 14 мартаба ўзгартиш киритилган. У энди янги таҳрирда қабул қилинади

Замонавий дунёни рекламасиз тасаввур этиш мушкул. Телевидение, радио, уйдан кўчага чиққанимизда, транспортдан фойдаланганимизда, супермаркет ёки интернетга кирганимизда у биз билан ҳамроҳ. Шундай экан, соҳадаги муносабатларни тартибга солиш — ҳаёт тақозоси. Парламент қўйи палатаси Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти билан хамкорликда «Реклама соҳасидаги миллий қонунчиликни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» мавзусида давра суҳбати уюштирди.

Масаланинг ижтимоий, иқтисодий аҳамиятидан келиб чиқиб, тадбирга вазирлик ва идораларнинг маъсул ходимлари, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари, реклама соҳаси бўйича олимлар ҳамда экспертлар, ҳуқуқшунослар ва иқтисодчилар таклиф этилди.

Мақсад реклама соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини ҳар томонлама муҳкама қилиш ва «Реклама тўғрисида»ги қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича аниқ таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат бўлди.

Давра суҳбатида реклама фаолияти ва реклама бозорини ривожлантириш учун қўлай шароитлар яратиш мақсадида замонавий дунёда рекламани тартибга солишнинг янги ҳуқуқий механизми қўлланилаётганини қайд қилинди. Таъкидланганидек, бугунги кунда реклама фаолияти 1998 йилда

амалга киритилган «Реклама тўғрисида»ги Қонун ҳамда 6 та қонуности ҳужжати билан тартибга солинади. Ўтган давра мобайнида Қонун 14 мартаба тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар билан бойитилган. Охириги йилларда электрон тижорат ва маҳсулотларнинг хавфсизлигини такомиллаштиришга, шунингдек, воғга етмаганлар учун дори воситаларини реклама қилишга руҳсат бериш таъминини соддалаштиришга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ҳаж ибодати нега Мадина шаҳридан бошланади?

«Халқ сўзи» махсус мухбири Сауд РАҲМОНОВ Саудия Арабистонининг Мадина шаҳридан хабар қилади.

Мадина бугун дунё мусулмонлари талпиниб келаётган энг кутлуғ ва табарруқ масканга айланган. Айниқса, 2019 йил ҳаж мавсуми бошлангач, зиёратчиларнинг сони кескин ортмоқда.

Ҳар кун шаҳар аэропортида ўнлаб рейслар қабул қилиниб, ислом динининг бешинчи фарзини адо этиш умидида келаётган мусулмон олами вакилларига ўз кучоғини очаетир. Хусусан, Ўзбекистондан ҳар кун ўртача 700 нафар киши келиб, ибодатчилар сафига қўшилмоқда.

Маҳаллий аҳолининг айтишича, жорий йилги ҳаж мавсуми йилнинг нисбатан иссиқ пайтига тўғри келди. Шун-

дай бўлса-да, ҳаво ҳарорати у қадар балан эмас, мўътадил. Майин эсиб турган шабада тоғ бағрида жойлашган шаҳарга салқинлик улашмоқда. Зиёратгоҳлар эса совитиш ва салқинлантириш ускуналари билан тўлиқ жиҳозланган. Ҳар бир гуруҳга бириктирилган эликбосчилар уларга энг яқин кўмакчига айланган.

ТАШҚИ САВДОДА ЎСИШ КУЗАТИЛДИ

Факт ва рақамлар

2019 йилнинг январь — июнь ойларида Ўзбекистон жаҳоннинг 160 дан ортиқ мамлакатлари билан савдо алоқаларини амалга оширди.

Натижада:
ташқи савдо айланмаси — **19 683,2 миллион доллар**,
ўсиш кўрсаткичи — **29,8 %**,
шу жумладан:
экспорт ҳажми — **27 %**,
импорт ҳажми **32 %** ўсди.



Жамоатчилик эшитуви

Бу ерда жаҳон амалиётида илк бор таркибида 24,5 фоиз фосфор ангидриди бўлган Қоратоғ (Қозғистон) фосфоритларидан гранулали аммофос ўғити ишлаб чиқариш жараёни ўзлаштирилган. Кейинчалик эса босқичма-босқич тартибда таркибида 27 фоиздан то 30 фоизгача мазкур модда бўлган Қизилкум қони фосфоритларидан мураккаб азот-фосфорли ўғитлар ишлаб чиқарила бошланди.

Аммофос, моноаммоний-фосфат, аммоний сульфат фосфат, суперфос, аммоний сульфат, ёғоч толали плиталар корхонанинг асосий товар маҳсулотлари ҳисобланади. Табиийки, кимёвий моддалар билан ишлайдиган корхона экологияга таъсир ўтказмай қолмайди. Шу мақсадда санаят субъектида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этишда меҳнат хавфсизлигининг 3 поғонали назорат тизими жорий этилган. Бунда оқова сувларнинг ёпиқ айланмаси нейтраллаш станциясида зарарсизлантирилиб, асосий ишлаб чиқаришга қайтарилди.

ЯНГИ УЙЛАР АҲОЛИГА БЕПУЛ ТОПШИРИЛДИ

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги Тонг юлдузи маҳалласида 5 қаватли 32 хонадонли янги уй оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, уй-жойга муҳтож оилаларга топширилди.

Тантанали топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Улғубек Мухаммадиев, Тошкент шаҳар ҳоқими Жаҳонгир Ортиқжўраев давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар халқимиз турмуши фаровонлигига хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади, янги уй эгаларини табриқлади.

Миробод туманига ташриф буюрганида ана шу ташландиқ жой ўрнида намунали уй-жой қуриш ва одамларнинг шароитини яхшилаш бўйича тавсия берган эди. Кўп ўтмай туман ҳокимлиги ташаббуси билан бу ерда янги уй қурилиши бошланди. Бугун бу жойда кўп қаватли уй қурилиб, атрофи ободонлаштирилди, болалар майдончаси фойдаланишга топширилди.



Ана шундай оғир шароитда оиламиз билан 15 йил яшадик. Бугун бизга уч хонадон берилди. Бугун бу жойда кўп қаватли уй қурилиб, атрофи ободонлаштирилди, болалар майдончаси фойдаланишга топширилди.

Янги уй ўрни ўтган аср бошларида ҳарбий отлар турадиган жой бўлган. Кейинчалик аҳоли яшаши учун мослаштирилган. Ўтган йил Республика ишчи гуруҳи

— Эски уйимизда ҳатто ҳаммом, ҳожатхона, канализация тизими ҳам йўқ эди, — деди Гулбахор Ҳўжамуродова.

Хуррид КОДИРОВ, ЎЗА мухбири.

ЎЗА сурати.

Давлат статистика қўмитаси 2019 йил 1 июль ҳолатига хорижий инвестиция иштирокида ташкил қилинган корхоналар тўғрисида таҳлилий маълумот тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАЙСИ ДАВЛАТ ЭНГ КўП КОРХОНА ТАШКИЛ ЭТДИ?

Иқтисодиёт

Унга кўра, мамлакатимизда 2019 йилда хорижий капитал иштирокида янги ташкил этилган корхоналар сони 1 715 тани ташкил этди. Бу кўрсаткич 2018 йилнинг мос давридагига нисбатан салкам икки баробар кўпдир.

Рейтингда етакчиликини Хитой эгаллади, унинг инвестицияси иштирокида янги ташкил этилган корхоналар сони 289 тадан


иборат бўлди. Иккинчи ўринда Россия (251 корхона), учинчи ўринда Эса Туркия (231 корхона) қайд этилди.

2019 йил 1 июль ҳолатига Ўзбекистонда хорижий капитал иштирокида 9 014 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Улардан 1 631 таси Россия инвестицияси иштирокида тузилган субъектлардир.

«Халқ сўзи».

Юқори балл тўплаганлар мандат натижаларидан розими?

Сўнги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш йўлида сезиларли ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бунинг самараси олий таълим муассасаларидаги қабул жараёнларида ҳам ўз аксини топаётир.



Мулоҳаза

Абитуриентлар учун урта олийгоҳга имтиҳон топшириш имконияти яратилганлиги, кечки ва сиртки ўқув шаклининг йўлга қўйилганлиги, имтиҳонлардаги шаффофликнинг таъминланиши каттаю кичикни бирдек шод этаётгани сир эмас. Ҳатто бу йилги абитуриентлар орасида 60 — 70 ёшдан ошган талабгорларнинг ҳам борлиги кўпчилигининг эътиборини тортиди. Албатта, бу қабул жараёнида адолатни таъминлаш юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирлар самарасидир.

Шу билан бирга, юртдошларимизнинг фикр-мулоҳазаларига кўра, бу борадаги ишларни изчил давом эттириш лозим. Чунки, айрим ёшлар турли имтиёзга эга абитуриентлар учун алоҳида квоталар жорий этилишини истайди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институтига ўқишга кириш имтиҳонларида юқори балл тўплаган, аммо айни шу масала туфайли талабалikka қабул қилинмаган куйидаги ёшларнинг фикрлари адолатли, назаримизда.

Дилёрзон ВАЛИЕВ

(Фарғона вилояти, Богдоғ тумани):

— Мен ўтган йили Божхона институтига ўқишга топшириб, 193.3 балл билан 28-ўринда ўтган эдим. Аммо ажратилган квота 25 та бўлганига босиб ўқишга қабул қилинмадим. Ўтган бир йил мобайнида янаям яхши тайёргарлик қўриб, бу йил ушбу олий таълим муассасасининг «Божхона ҳуқуқи» йўналиши бўйича яна бир бор ҳужжат

топширдим ва (максимал 226.8 баллдан) 204.7 балл тўпладим. 6 июль кунини чиққан имтиҳон натижаларида 22-ўринда турганимни кўриб, ўқишга кирдим, деб ўйлаб, бошим осмонга етган эди! Аммо 13 июлда чиққан мандат жадвалида эса ўқишга қабул қилинганлар рўйхатида эмаслигимдан яна ранжидим... Рўйхатда имтиёзга эга 9 нафар абитуриентнинг исми турарди. Улар ҳеч қандай имтиҳонда қатнашмаган, айтишларига қараганда, «Мард ўғлон» давлат мукофоти совриндорлари ҳамда «Темурбеклар мактаби» битирувчилари экан. Уларнинг ўқишга имтиҳонсиз қабул қилинишига қарши эмасмиз. Бироқ бундай имтиёзга эга абитуриентлар учун алоҳида квота ажратилиши керак эмасми, аслида?! Улар сабаб қанчадан-қанча билимли ёшларнинг орзулари саробга айланиши нечоғли адолатли?!

Анвар ИЗЗАТИЛЛАЕВ (Бухоро вилояти, Когон шаҳри):

— Мен ҳам мана шу институтга ҳужжат топшириб, 203.6 балл жамғариб, имтиҳон натижаларида 24-ўринда қайд этилганим. Бундан ниҳоятда хурсанд эдим! Аммо мандат жадвали илинган, ўқишга кирганлар орасида йўқ эканман... Сабаби эса маълум. Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда ҳар қандай имтиёзга эга ёшлар учун алоҳида квота ажратилса, ўйлаётганимиз, биз каби ёшларда норозилик кайфияти уйғонмас эди. Умид қиламизки, ушбу масалага мутасаддилар ўз эътиборини қаратади.

Юлдаз ЎРМОНОВА («Халқ сўзи».)

Кўшни мамлакатга хизматлар ҳам экспорт қилинмоқда

«Узагросервис» акциядорлик жамиятининг махсус ҳисоб рақамига Қозоғистон Республикасидан хизматлар экспорти учун хорижий валютада маблағ келиб тушди. Бу кўшни мамлакатга галла ўрими-йғимига пойтахт вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидан юборилган бешта комбайннинг тўрт кунлик хизмат ҳақи эди.

Дўстлик ришталари

Бу йил мамлакатимизда галладан мўл ва сифатли ҳосил етиштирилди. Жамиятнинг худудий бўлим ва бўлинмалари тасарруфидаги комбайнлар галла ўрими-йғимини уюшқоқлик билан ташкил қилдилар. 1,1 миллион гектардаги бошоқли дон экинлари ҳосили қисқа муддатларда — 18 иш кунда ўриб, йиғиб олинишида уларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Жамият тасарруфидаги 2 минг 200 дан ортиқ замонавий техника воситаларининг бир йиллик бажарадиган иш ҳажми 18 кундан иборат бўлиб, қолган вақтда улар техника паркларидан туриши керакми? — Йўқ, — дейди акциядорлик жамияти раисининг ўринбосари Рустам Сайрамов. — Давлатимиз раҳбари олдимизга хизматлар экспорти бўйича ҳам катта вазифаларни қўйган. Уларни амалга ошириш мақсадида кўшни Қозоғистон Республикасида галла ўрими-йғимида

иштирок этиш таклифи билан чиқдик.

Қардош мамлакат галлакорлари бу таклифни мамнуният билан қабул қилдилар. Бунинг бир қанча сабаблари бор. Бу йил Қозоғистонда ҳам галладан мўл ҳосил етиштирилди. Қолаверса, Қозоғистон бизга нисбатан қарийб тўрт баробар кўп майдонда галла экади. Кўшнларимиз географик жиҳатдан шимолда жойлашгани учун ўрими-йғим мавсуми энди бошланмоқда.

Келишувларга эришилди. Шартномалар имзоланди. Ҳозир саноот тарихида бешта комбайн Туркистон вилояти далаларида галла ўрмоқда. 1 августдан бошлаб мамлакатнинг шимолий худудларида оммавий равишдаги

ўрими-йғим ишлари бошланади. Бу даврда агросервисчиларимиз кўшни мамлакатга талабга қараб 100 тадан 400 гагача комбайн юборишлари мумкин.

Ҳозир соҳа мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи кўшни республика бўлиб, мавжуд шарт-шароитларни ўрганишмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, комбайнчиларимиз Қозоғистонда етиштирилган 1 миллион гектар майдондаги галлани ўриб бериш имкониятига эга. Бу, биринчидан, валюта тушуми дегани. Энг муҳими эса, икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олиш бўйича «Тараққиёт» республика танлови ғолиблари рўйхати

Кейинги йилларда мамлакатимизда бошқарув соҳасидаги раҳбар кадрларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 майда қабул қилинган «Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиб чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, айниқса, муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Қарорга мувофиқ, ҳар уч йилда бир марта «Тараққиёт» республика танлови ўтказилиши белгиланган.

Мамлакатимизда истиқболли бошқарув кадрларининг тизимли асосда танлаб олинишини таъминлаш, шунингдек, давлат ва ҳўжалик бошқаруви тузилмалари, маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда бошқа давлат идоралари ва ташкилотлари тизимида уларнинг касбий малакасини узлуксиз ошириб боришга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган танловнинг дастлабки ғолиблари аниқланди.

Куйида истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича «Тараққиёт» республика биринчи танлови ғолиблари рўйхати эълон қилинмоқда.

Танловнинг финал босқичи иштирокчилари рўйхати «Тараққиёт» республика танлови веб-сайти (https://taraqqiyo-tanlov.uz)да эълон қилинган.

Table with 2 columns: Name and Category. Lists winners of the 'Taraqqiyot' competition across various sectors like Agriculture, Education, etc.

Table with 2 columns: Name and Category. Lists winners of the 'Taraqqiyot' competition across various sectors like Agriculture, Education, etc.

